

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ НОРМУЎМИН НОРМАМАТОВИЧ

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА
ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08–Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Мавланов Нормўмин Нормаматович

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва
баҳолашни такомиллаштириш..... 3

Мавланов Нормумин Нормаматович

Совершенствование анализа и оценки кредитоспособности
хозяйствующих субъектов..... 27

Mavlanov Normumin Normamatovich

Improvement of the analysis and assessment of the creditworthiness of
business entities 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.1.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАВЛАНОВ НОРМУМИН НОРМАМАТОВИЧ

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТГА
ЛАЁҚАТЛИЛИГИ ТАҲЛИЛИ ВА БАҲОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Iqt588. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қўзиев Исломжон Неъматович иктисодиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Курбанов Зият Ниязович иктисодиёт фанлари доктори, профессор Джураев Боходир Мусурманович иктисодиёт фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй, Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60 А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26; e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____-рақамли реестр баённомаси).

И.Н.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

С.У.Меҳмонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Ж.И.Каримкулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон амалиётида хўжалик юритувчи субъектларни моддий ва молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини молиялаштиришда банк кредитларидан фойдаланиш иқтисодий ривожланиш, барқарор ўсиш ва тараққиётни таъминлаш, фаровонликни оширишнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Халқаро тараққиёт ва тикланиш банки ҳамда Халқаро тараққиёт ассоциациясидан кредит олишга бўлган талаб 2013 йилдан 2017 йилгача 219 миллиард доллардан ортиқни ташкил этди¹. Жаҳон иқтисодиёти тажрибаси кўрсатишича хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ва ривожланишида кредит муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда ва банк кредитларидан фойдаланиш кўлами, ҳам кенгайиб, ҳам ошиб бормоқда. Мазкур жараёнда асосий вазифа кредит маблағларидан иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вақтида қайтаришдир. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кредит маблағлари ва у билан боғлиқ муносабатларни кенг кўламда молиявий таҳлил қилишни талаб этмоқда.

Халқаро амалиётда нуфузли молия муассасаларидан бири ҳисобланган Жаҳон банки томонидан иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларини ривожлантиришда банк кредитлари улушини янада ошириш мақсадида ҳудудлар иқтисодий ривожланиши, барқарор ўсиши ва фаровонликни таъминлаш йўналишларида тадқиқотлар ўтказилмоқда. Тадқиқотларда асосий эътибор кредит ҳажмини оширишга қаратилганлиги билан аҳамият касб этади. Бироқ, бу жараёнда кредит тўловлари билан боғлиқ муаммоли ҳолатлар ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили етарлича ўрганилмаган. Кредит муносабатларида банклар молиявий барқарорлиги ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодини ривожланишини таъминлаш учун кредит рискни минималлаштириш талаб этилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни амалдаги усулларидаги камчиликлар мазкур муаммони тўлиқ ҳал этиб бера олмайди. Ушбу ҳолатнинг мавжудлиги кредитга лаёқатлилиқ таҳлили ва баҳолашни хориж ва маҳаллий тажрибалар, миллий иқтисодиёт талаблари асосида такомиллаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш заруриятини юзага чиқармоқда.

Республикаимиз иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида кредит муносабатлари бўйича самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... истиқболли инвестициявий лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш”² га алоҳида эътибор қаратилган. Миллий иқтисодиётимизда

¹<http://www.worldbank.org/en/news/press-release/2016/07/12/world-bank-group-support-tops-61-billion-in-fiscal-year-2016>. World Bank Lending Fiscal 2017

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар қўйилмалари 2011 йилга нисбатан 2017 йилда 734,6 фоизга ошган³. Бу эса, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, принципаал жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, юқори қўшимча қийматли рақобатдош маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ҳамда янги иш ўринларини яратишда муҳим манба бўлмоқда.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сон “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сон “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори ва бошқа ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига S.V.Begovic, Gokul Sinha, В.С.Просалова, В.В.Глущенко, А.С. Выскребенцева, И.В. Фролов, В.В. Хрестининларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган⁴. Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Э.А.Акрамов, М.Қ.Пардаев, У.Ў.Азизов, М.Ю.Рахимов, Ш.З.Абдуллаева, А.Ж.Туйчиев, И.М.Алимарданов, Б.Ж.Хакимов, С.К.Махмудов, А.Н.Ғуломхўжаевлар

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти. <http://www.cbu.uz>

⁴ Sanja V.B. The enterprise creditworthiness evaluation – by z” score model, in: Higher Business School, Novi Sad, Serbia. 2015. p 185., Gokul Sinha. Financial Statement Analysis. 2-nd ed.PHI Learning Private Limited. New Delhi. 2012. p 84., Просалова В.С. Проблемы оценки кредитоспособности клиентов коммерческих банков. Монография. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2008. – 17, 57 с., Глущенко В.В. Анализ процедур оценки кредитоспособности заемщика коммерческого банка. Автореф. дисс. ... к.э.н. – М.: 2015. 17 с., Выскребенцева А.С. Анализ количественных и качественных составляющих кредитоспособности предприятия. Автореф. дисс. к.э.н. – Н.: 2008. 10 с., Фролов И.В. Разработка организационно-методического обеспечения предрейтингового экономического анализа кредитоспособности заемщика. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Воронеж.: 2017. 16 с., Хрестинин В.В. Оценка отраслевой составляющей в рамках комплексного анализа кредитоспособности потенциального заемщика. Автореф. дисс. ... к.э.н. – М.: 2007. 11 с.,

томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлилининг назарий ва услубий асосларини ривожлантиришнинг айрим муаммоли жиҳатлари ўрганилган⁵.

Юқоридаги келтирилган тадқиқотларда мавзуга оид умумий қарашлар келтирилган бўлсада, лекин хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Бу ҳолат мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент молия институтининг тадқиқот ишлари режасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган ОТ-А2-31-сонли «Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш ҳамда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда молиявий таҳлилнинг замонавий усулларини қўллаш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни назарий жиҳатдан асослаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни услубий асосларини ўрганиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни ахборот таъминотини такомиллаштириш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усулини ишлаб чиқиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилиш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган бизнес фаолиятида кредит муносабатларига киришган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга

⁵ Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. – Т.: “Молия”, 2003. - 224 б., Пардаев М.Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида иқтисодий таҳлилнинг назарий ва методологик муаммолари: и.ф.д. диссертацияси. – Самарқанд-2001 й. 228 б., Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-Молия. 2015. 306 б., Абдуллаева Ш.З. “Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш” Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Т.: 2000. 239-240 б., Туйчиев А.Ж. “Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий методологик муаммолари” Диссертация. и.ф.д. – Тошкент. 2011. 174 б., Алимардонов И.М. “Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш” Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Т.: 2018. 18 бет., Азизов У.Ў. “Тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни молиялаштиришни такомиллаштириш масалалари” Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2004. 100-101 б., Хакимов Б.Ж. Бухгалтерия баланси ликвидлиги таҳлилининг такомиллаштириш - амалиёт талаби. “Молия” илмий журнали. – Тошкент, 2017 йил. 4-сон, 21 б., Махмудов С.К. “Акциядорлик жамиятларида мажбуриятлар ҳисоби ва таҳлилининг такомиллаштириш” Автореф. Дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2006. 125 б., Фуломхўжаев А.Н. “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолати таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” Автореф. дисс. ... и.ф.н. – Т.: 2009. 49 б.

лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида баҳолаш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида кузатиш, танлаш, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таққослаш, абстракт-мантиқий фикрлаш, моделлаштириш, анализ-синтез, балли баҳолаш, истиқболли прогнозлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хўжалик юритувчи субъектлар бизнес фаолиятида кредитга лаёқатлилиқ таърифига номолиявий кўрсаткичлар, прогнозлаш, иқтисодий самара тушунчаларини киритиш асосида такомиллаштирилган таъриф ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш ва унинг натижалари бўйича баҳолашни босқичли усули ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини ликвидлилиқ, баланс ликвидлиги, барқарорлиқ ва самарадорлиқ кўрсаткичлари асосида комплекс таҳлил ёндашуви ишлаб чиқилган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини тўғри таҳлил қиладиган ва натижаларни аниқ баҳолайдиган, рақамли иқтисодиёт талабларига мос, маълумотларни блокчейн қилиш имконини берадиган такомиллаштирилган скоринг модели ишлаб чиқилган ҳамда унинг электрон дастури яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кредитга лаёқатлилиқ тушунчасига муаллиф томонидан берилган таъриф илмий ишлардаги ушбу атаманинг аниқлигини таъминлаган ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаолиятида мазкур муносабатни тўғри ифодалаб берган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашга оид ишлаб чиқилган “Давлат ягона интерактив ахборот базаси” электрон дастурида ҳужжатлар унификациялаштирилган ва содаллаштирилган бўлиб, у ахборот ишончилигини таъминлаш ҳамда ахборот алмашинувини тезлаштириш имконини берган;

кредитга лаёқатлилиқ таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усулидаги коэффициентлар, динамик, омилли, перспектив, балли баҳолаш ҳамда кредит шартлари босқичлари хўжалик юритувчи субъектларни кредитга лаёқатлилигини кенг кўламда ҳамда унинг турли жиҳатларини ўрганишга имкон берган. Мазкур усулда кредитга лаёқатлилиқ кўп кўрсаткичлар асосида таҳлил қилиш натижасида баҳолашнинг аниқлиги кескин ортган;

хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг комплекс таҳлил ёндашуви тавсия этилган. Мазкур усулда хўжалик юритувчи субъектлар молиявий аҳволи тўлиқ таҳлил қилинган, ўрганилган барча молиявий кўрсаткичлар асосида кредитга лаёқатлилиқ аниқ баҳоланган;

ишлаб чиқилган скоринг модели ва унинг электрон дастури хўжалик юритувчи субъектларнинг бизнес фаолиятида кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни тез, тўғри ва аниқ амалга оширган. Дастурда маълумотлар асосида блокчейн шакллантириш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, республикада фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар маълумотларига асослангани, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик маълумотларига, шунингдек, бошқа амалий маълумотлар таҳлиliga асосланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот иши натижасида олинган ва илгари сурилган назарий ёндашувлар, илмий таклиф ва амалий тавсиялардан хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли таҳлил қилиш асосида аниқ ва тўғри баҳолашда, келгусида яратиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

Кредитга лаёқатлилиги тушунчасига илмий-амалий асосланган муаллифлик таърифи, АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил 10 июлдаги 18-12/2927 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши “Кредитга лаёқатлилиги” тушунчасини мазмунини тўлиқ очиқ бериш имконини берган;

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усули бўйича берилган таклифлар “Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик Жамияти томонидан амалиётга жорий этишда фойдаланилган (“Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик Жамияти 2018 йил 15 августдаги 15/08-01 сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф хўжалик юритувчи субъектнинг кредитга лаёқатлилигини кенг қамровли таҳлил қилиш ва унинг натижалари асосида аниқ баҳолаш имконини берган;

Кредитга лаёқатлилигини комплекс таҳлил қилиш ва у асосида баҳолашга оид таклиф “Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик Жамияти томонидан амалиётга фойдаланилган (“Uzbek Leasing International A.O.” Акциядорлик Жамияти 2018 йил 15 августдаги 15/08-01 сонли маълумотномаси). Ушбу таклифнинг қўлланиши натижасида хўжалик

юритувчи субъектда жалб қилинган кредитлардан самарали фойдаланилган ҳамда тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга эришилган;

Кредитга лаёқатлилиқ таҳлилининг скоринг модели ва унинг электрон дастури асосида хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва унинг натижалари бўйича баҳолаш таклифи “UZGERMED PHARM” МЧЖ қўшма корхонаси ва АТ “Алоқабанк” томонидан амалиётда фойдаланилган (АТ “Алоқабанк”нинг 2018 йил 10 июлдаги 18-12/2927 сонли маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалиқ юритувчи субъектларни кредитга лаёқатлилиги қисқа вақтда аниқ ва тўғри баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 18 та, жумладан 13 та республика ва 5 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан, 1 та гувоҳнома, миллий ОАК эътироф этган журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 18 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 131 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг назарий - услубий асослари ҳамда хориж тажрибаси**» деб номланиб, унда хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг назарий асослари ҳамда хусусиятлари, хўжалиқ юритувчи субъектларда кредит муносабатлари ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда таҳлил қилиш жараёнларининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётидаги мавжуд камчиликлар, хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда ахборот таъминотини шакллантириш, хўжалиқ юритувчи

субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ривожланган мамлакатлар тажрибаси каби масалалар атрофлича ёритиб берилган ва боб якунида мазкур масалалар бўйича илмий хулосалар шакллантирилган.

Республикамиз иқтисодиётида банк тизимини барқарор ривожланиши, хўжалик юритувчи субъектларни молиявий маблағларга бўлган талабини ўз вақтида қопланишини таъминламоқда. Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит қўйилмалари ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш тенденцияси кузатилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмаларининг динамик таҳлили⁶

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
1. Кредит қўйилмалари, млрд.сўм	15052	22775	26530	34809	42685	52611	110572
2. Ўсиш даражаси:							
2.1. Занжирли усул, фоиз	100,00	151,31	116,49	131,21	122,63	123,25	210,17
2.2. Базисли усул, фоиз	100,00	151,31	176,26	231,26	283,58	349,53	734,60

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Республикамизда тижорат банклари томонидан ажратилган кредит қўйилмалари 2017 йил 2016 йилга нисбатан 210,17 фоизга, 2017 йил 2011 йилга нисбатан 734,6 фоизга ўсган.

Кредит қўйилмалар ҳажмини ўсиб бориши ўз навбатида у билан боғлиқ тўловларни ўз вақтида қайтмаслик ҳолатлари яъни, кредит рискларини ошиб боришини келтириб чиқармоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит маблағларидан самарали фойдаланишини таъминлаш ҳамда кредит маблағлари қайтмаслик ҳолатларини олдини олиш учун муҳим вазифаларни амалга оширишни талаб этади. Жумладан, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавжуд масалаларни ижобий ҳал қилиш учун хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва унинг натижалари асосида баҳолашни назарий жиҳатдан асослаш муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот ишида кредитга лаёқатлилиқ тушунчасининг иқтисодий моҳияти қуйидагича ўрганилди (2-жадвал).

⁶ <https://www.cbu.uz> сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Кредитга лаёқатлилиқ тушунчасига берилган муаллифлик таърифлари⁷

Муаллифлар	Муаллифлик таърифлари
О.И. Лаврушин	Банк нуқтаи назаридан мижознинг кредитга лаёқатлилиги – бу қарздорни ўз қарз мажбуриятларини тўлаш учун тўлиқ ва ўз вақтида (асосий қарз ва фоиз) тўлай олиш қобилиятидир Қарздор нуқтаи назаридан қарздорнинг кредитга лаёқатлилиги – бу берилган кредит суммасини ўз вақтида ва тўла қайтара олиш қобилиятидир
А.М. Тавасиев	Кредитга лаёқатлилиқ – бу қарздорнинг ўз вақтида ва тўлиқ кредит суммасини (асосий қарз ва фоизи) тўлашга қодирлиги ва тайёрлигидир
С.Л. Эрмаков	Кредитга лаёқатлилиги бу – қарз олувчининг банкка кредитларни қайтариш қобилияти ва қобилиятини тушунишидир
М.Қ. Пардаев	Корхонанинг кредитга лаёқатлилиги деганда-унинг кредит олиш ва ўз вақтида олинган кредитни тўлиқ қайтариш қобилияти тушунилади
У.Ў. Азизов	Кредитга лаёқатлилиқ – бу мижознинг унга ажратилиши мумкин бўлган кредитни ўз вақтида фоизлари билан қайтара олиш қобилиятидир
Ш.З. Абдуллаева	Қарз олувчи нуқтаи назаридан, кредитга лаёқатлилиқ даражаси кредит шартномасини тузиш имконияти, олинган кредитларни ўз вақтида қайтара олиш қобилияти билан баҳоланади Банк(кредит берувчи) нуқтаи назаридан, корхонага бериладиган кредитнинг ҳажмини тўғри аниқлай олиш масъулияти инобатга олинади

Илмий тадқиқот олиб бориш жараёнида маълум бўлдики соҳага оид адабиётларда, илмий ишларда ҳамда тегишли бошқа манбаларда кредитга лаёқатлилиқ атамаси бўйича кўплаб фикрлар билдирилган. Уларни баъзилари мазмун жиҳатдан бир-бирларига мос келади, баъзилари эса ўз фарқли томонларини намоён қилади. Бу эса ушбу атамани ҳозирги даврга қадар илмий жиҳатдан аниқ ва тўлиқ очиб берилмаганлигини кўрсатади. Мазкур ҳолат кредитга лаёқатлилиқ атамасини мазмунини батафсил ёритиб берувчи илмий асосланган таърифни шакллантиришни талаб этади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, кредитга лаёқатлилиқ тушунчасига қуйидагича муаллифлик таърифи берилди.

Кредитга лаёқатлилиқ – хўжалиқ юритувчи субъектнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида унинг келгусидаги имкониятларини прогнозлаш орқали кредит (асосий қарз ва фоизи)ни иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш қобилиятидир.

Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш мураккаб жараён ҳисобланади. Кредитга лаёқатлилиқ тўловга қобилликдан фарқли ўлароқ, маълум даврдаги ёки аниқ санадаги тўловсизликни акс эттирмайди, балки мижознинг яқин келажакдаги қарз мажбуриятларини тўлаш қобилиятини башорат қилишни англатади⁸. Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг молиявий ва номолиявий кўрсаткичлари асосида келгусидаги имкониятларини прогнозлаш орқали кредитга лаёқатлилигига аниқ ва тўғри баҳо бериш мумкин. Хўжалиқ юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда молиявий (ликвидлилиқ, баланс ликвидлиги, маблағлар айланувчанлиги, молиявий барқарорлик, самарадорлик) ва номолиявий (бизнес обрўси, кредит тарихи, бошқарув самарадорлиги ва бошқалар) кўрсаткичларни таҳлил қилиш муҳим ҳисобланади.

⁷ Илмий тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁸ Маматов Б.Ш., Қуллиев И.Я., Пулатова М.Б. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Монография.-Т.: Extremum-press, 2016.-52 б.

Хўжалик юритувчи субъектларда кредит муносабатлари ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс этириш ҳамда таҳлил қилиш жараёнларининг меъёрий-ҳуқуқий асосларини қуйидаги поғоналарга бўлиш зарур, деб ҳисоблаймиз (3-жадвал).

3-жадвал

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларининг поғоналари⁹

Поғоналар	Асос	Амалдаги тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар
Биринчи (юқори) поғона	Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари, қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари	Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 08.12.1992 й., Фуқаролик кодекси, 21.12.1995 йил (янги таҳрир. 11.12.2014 й), “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги қонуни янги таҳрир, 13.04.2016 й., ЎРҚ-404-сон, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонуни, 25.04.1996 й., ЎРҚ-216-I-сон, “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 21.03.2000 й., ПФ-2564-сон, “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” ги қарори, 28.07.2015 й., ВМ-207-сон
Иккинчи поғона	Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) ва бошқа меъёрий ҳужжатлар	“Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сон БХМС, “Бухгалтерия баланси тузилган санадан кейинги хўжалик фаолиятининг назарда тутилмаган ҳолатлари ва юз берадиган ҳодисалари” номли 16-сон БХМС, “Қарзлар бўйича ҳаражатлар ҳисоби” номли 24-сон БХМС, Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида” ги низоми янги таҳрир, 02.03.2000 й., 905-сон.
Учинчи (қуйи) поғонаси	Ички ишчи ҳужжатлар	Ҳар бир тижорат банки кредит сиёсати Марказий банкнинг «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги низом талаблари асосида мустақил ишлаб чиқади. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” номли 1-сон БХМС асосида ишлаб чиқилади

Меъёрий-ҳуқуқий асослари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда унинг ахборот таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Амалиётдан маълумки, кредит ажратиш жараёни узоқ вақт талаб этиши, талаб этиладиган ҳужжатларнинг кўплиги хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қоплаш имконини бермайди. Кредит буюртмаларини кўриб чиқишнинг мураккаб механизмлари кредитларни тезкор олиш имкониятларини чегараламоқда¹⁰. Кредит ҳужжатларининг кўплиги аниқ тартиби белгилаб берилмаганлиги кредитга лаёқатлилиги таҳлили тартиб қоидаларидан келиб чиқиб, кредит ҳужжатларини унификациялаштириш ва соддалаштиришни талаб этади.

Илмий изланишлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этиладиган ахборотлар алмашинувини тезлаштириш ва

⁹ Илмий тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 23 мартдаги 3620-сонли Қарори. www.lex.uz.

ишончилигини таъминлаш мақсадида “Давлат ягона интерактив ахборот базаси” номли электрон дастур яратилди ҳамда унга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан гувоҳнома олинган (№DGU 05151. 23.03.2018 й.).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда ахборот таъминотини такомиллаштириш бўйича яратилган дастурда қуйидагилар ўз аксини топган:

- ахборот ишончилигини таъминланган;
- кредит ҳужжатларини унификациялаштирилган ва соддалаштирилган;
- ахборот алмашинувини тезлаштиришни таъминланган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолаш**” деб номланган бўлиб, ушбу бобда хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг ҳозирги ҳолати, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилиш ва кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усули каби масалалар кўриб чиқилган.

Ҳозирги кунда Республикада банклар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва уни баҳолашда турли хил усул ва воситалардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Амалиётда энг кўп қўлланилиб келинаётган усуллардан бири коэффицентлар усулидир. Бу усул орқали хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий жиҳатдан таҳлил қилиш амалга оширилади. Таъкидлаш керакки, банклар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилиш ва баҳолашда уч турдаги: қоплаш, ликвидлилик ва мухторлик коэффицентларидан фойдаланилмоқда. Ушбу коэффицентлар асосида хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги учта синфга ажратиш асосида баҳоланмоқда (4-жадвал).

4-жадвал

Амалда банклар томонидан қўлланилаётган кредитга лаёқатлилиги баҳолаш мезонлари¹¹

Кўрсаткичлар	I синф	II синф	III синф
1. Қоплаш коэф (Кк)	$K_k > 2$	$2 > K_k > 1$	$1 > K_k$
2. Ликвидлилик коэф (Лк)	$L_k > 1,5$	$1,5 > L_k > 1$	$1 > L_k$
3. Мухторлик коэф (Мк)	$M_k > 60\%$	$60\% > M_k > 30\%$	$30\% > M_k$

Ушбу тартибдаги кредитга лаёқатлилиги баҳолаш мезонларида қуйидаги камчиликлар мавжуд:

- коэффицентларни ҳисоблаш усулидаги камчиликлар;
- ушбу коэффицентлар асосида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳолини тўлиқ баҳолаш имкони йўқлиги;
- номолиявий кўрсаткичларга етарлича аҳамият берилмаганлиги;
- хориж тажрибасини ҳисобга олинмаганлиги.

¹¹ Тижорат банкларининг кредит сиёсати маълумотлари асосида тайёрланди.

Мазкур камчиликлар аналитик тарзда қуйидаги кўринишга эга.

1. Банклар амалиётида **қоплаш коэффициент**и жорий активларни (390 сатр) жорий мажбуриятларга (600 сатр) бўлиш орқали ҳисобланмоқда. Бизнинг фикримизча, жорий активлар таркибидан бир қатор актив турлари кредит тўлови учун маблағ бўла олмайди. Жумладан тайёр маҳсулот (товар)лар таркибидаги “талаб бўлмаган тайёр маҳсулот (товар)лар” қисми, келгуси давр харажатлари (190 сатр), кечиктирилган харажатлар (250 200 сатр), дебиторлик қарзлари таркибидан муддати ўтган дебиторлик қарзлари (211 сатр), ходимларга берилган бўнақлар (сатр), Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (270 сатр), Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнақ тўловлари (280 сатр), Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (290 сатр) каби жорий активлар кредит тўлаш учун маблағ бўлмаган жорий активлар ҳисобланади. Шу каби жиддий камчиликлар юқорида кўрсатилган барча коэффициентларда мавжуд.

2. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволига урта коэффициент билан тўлиқ баҳо бериб бўлмайди. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини очиб берувчи бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланиш талаб этилади.

3. Номолиявий кўрсаткичлар хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда кредит тарихи, кредит таъминоти, лойиҳанинг реаллиги, товарларнинг рақобатбардошлиги ва бизнес обрўси каби кўрсаткичлар атрофлича таҳлил қилинади. Бу кўрсаткичларни молиявий кўрсаткичлар ёрдамида ўрганиш имкони мавжуд эмас.

4. Ривожланган мамлакатлар амалиётида ўзига хос баҳолаш усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Илғор хорижий тажрибаларни миллий иқтисодиётимиз талабларига мослаштириш бу борадаги долзарб вазифалардан биридир.

Республикамиз иқтисодиётида кредит муносабатларига киришган хўжалик юритувчи субъектларни молиявий аҳволини ўрганишни давр талаблари асосида такомиллаштириш учун юқорида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш муҳим аҳамиятга эга. Бундан кўзланган мақсад кредит олувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳволини аниқ, тўғри ва тезкор ўрганишдир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашда сўралаётган кредит ҳажми муҳим ҳисобланади, яъни катта миқдорда кредит сўраб мурожаат қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини кенг қамровда таҳлил қилиш зарурияти юзага келади. Кредит ҳажми қанчалик кўпайиб борса риск миқдори ҳам шунга мос равишда ўсиб боради. Юқоридагиларни инобатга олиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлили ва баҳолашнинг босқичли усули ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Таклиф этилган илмий натижаларни амалиётга жорий этилиши натижасида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини атрофлича таҳлил қилиш орқали кредитга лаёқатлиligere аниқ ва тўлиқ баҳо бериш имконини берди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлиligere етита босқич асосида кетма-кетликда баҳо

беради ва охири босқичда умумий хулоса шаклланади. Кредитга лаёқатлилиги таҳлили босқичлари қуйидагилардир:

1- босқич. Кредитга лаёқатлилиги коэффициентлар тизими орқали аниқлаш ва синфларга ажратиш.

2- босқич. Кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини динамик таҳлил қилиш.

3- босқич. Кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини омилли таҳлил қилиш.

4- босқич. Кредитга лаёқатлилиги кўрсаткичларини перспектив таҳлил қилиш.

5- босқич. Кредитга лаёқатлилиги балли баҳолаш.

6- босқич. Банк кредитлари шартларини таҳлил қилиш.

7- босқич. Ўрганилган кўрсаткичлар асосида умумий хулоса шакллантириш.

“UZGERMED PHARM” МЧЖ ҚҚси маълумотлари асосида босқичли усулда таҳлил қилганимизда, коэффициентлар усулида охири йилларда молиявий аҳволи ёмонлашаётганлигини кўришимиз мумкин. Динамик таҳлил натижасида жорий мажбуриятларни юқори суръатларда ўсиши хўжалик юритувчи субъектда операцион риск мавжудлигини билдиради. Омилли таҳлилда соф фойдага таъсир этувчи омилларни ўрганишимизда миқдор ўзгариши, баҳо ўзгариши, маъмурий харажатлар, бошқа операцион харажатлар ва солиқларнинг камайиши ижобий таъсир кўрсатган бўлсада қолган омилларнинг салбий таъсири умумий ҳолда соф фойданинг 335951,5 минг сўмга камайганлиги аниқланди. Перспектив таҳлилда келгуси башоратланган даврда активлар суммаси 49748191,02 минг сўмни ташкил этган бўлсада, бу натижага эришиш учун 16074660,88 минг сўм қўшимча ташқи молиялаштиришни амалга ошириш зарурдир. Хўжалик юритувчи субъектда балли баҳолаш усули орқали таҳлил қилганимизда кўзга кўринадиган риск мавжудлигини кўришимиз мумкин. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи ёмонлашаётганлиги, қўшимча молиялаштиришга зарурият ва кўзга кўринадиган риск мавжудлиги умумий ҳолда салбий хулоса беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилиги таҳлили ва баҳолашда молиявий ҳисобот маълумотлари муҳим манба ҳисобланади. Молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилиш орқали кредитга лаёқатлилиги аниқ ва тўғри баҳо бериш имконини беради.

А.В.Ваҳобов ва бошқалар фикрича, молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг таҳлилинини такомиллаштириш, уни барча секторларнинг тузилмасига ва ўзгаришларига мос тарзда қайта қуриш, корхонанинг молиявий-иқтисодий ҳолатини ўрганиш ва назорат қилишнинг мақсадли шаклини ишлаб чиқиш ҳамда қарор топтириш бугунги куннинг муҳим вазибаларидан ҳисобланади¹².

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини молиявий ҳисобот маълумотлари асосида таҳлил қилиш қуйидаги кетма-кетликда амалга ошириш зарур деб ҳисоблаймиз:

бухгалтерия баланси асосида молиявий ҳолатни таҳлил қилиш;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот асосида фойда ва зарарлар таҳлили;


¹² Vahobov A.V., Ishonqulov N.F., Ibroximov A.T. “Moliyaviy va boshqaruv tahlili”. Darslik. T.; Iqtisod-Moliya, 2013. -296 b.

пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот асосида пул оқимлари ҳаракатини таҳлили;

хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот асосида ўз маблағлари таҳлили амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳолатини чуқур таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, молиявий барқарорликни ошишига олиб келади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини ошиши ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизация қилишга ва янги иш ўринлари яратишга имконият туғдиради.

Фикримизча, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолати таҳлилида қуйидаги кўрсаткичларни атрофлича таҳлил қилиш муҳим деб ҳисоблаймиз (1-расм):



1-расм. Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш босқичлари¹³.

Ушбу босқичлар орқали таҳлил ўтказиш хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини чуқур ўрганиш имконини беради.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлигини баҳолашда молиявий натижаларни таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга, яъни фойда ёки зарар билан яқунлаши хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият самарадорлигини белгилаб беради. Фойда хўжалик юритувчи субъект самарадорлигини кўрсатиб, келгусида фаолиятни ҳаракатга келтирувчи омил сифатида қаралади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини аниқлашда рентабеллик кўрсаткичларидан фойдаланилади. Хўжалик юритувчи субъектлар жалб қилинадиган кредит фоизидан рентабеллик кўрсаткичлари юқори бўлиши талаб қилинади. Ушбу кўрсаткичларнинг ижобий бўлиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришга замин яратиб беради. Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият самарадорлигига баҳо бериш юзасидан қатор рентабеллик кўрсаткичлари ўрганилади (5-жадвал).

¹³ Илмий тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили¹⁴

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўтган йили	Ҳисобот йили	Ўзгариши	
				фарқи (+,-)	ўсиш суръати%
Маҳсулот (иш ва хизмат)ларнинг сотишдан соф тушум, минг сўм	Ш.2, 010	88939539	74285523	-14654016	-16,48
Сотилган маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг ишлаб чиқариш таннари, минг сўм	Ш.2, 020	70101306	57543197	-12558109	-17,91
Маҳсулот (иш, хизмат)лар сотишдан олинган ялпи фойда, минг сўм	Ш.2, 030	18838233	16742326	-2095907	-11,13
Соф фойда, минг сўм	Ш.2, 270	5592995	5004345	-588650	-10,52
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати (қолдиқ қийматда), минг сўм	Ш.1, 012	39606443	30970415	-8636028	-21,80
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Ш.1, 390	86279077	111731025	25451948	29,50
Жами мулк, минг сўм	Ш.1, 400	132870839	196149323	63278484	47,62
Ўз маблағлари манбаи, минг сўм	Ш.1, 480	103217188	108205618	4988430	4,83
Қарз маблағлари, минг сўм	Ш.1, 770	29653651	87943705	58290054	196,57
Рентабеллик турлари					
Маҳсулот сотиш рентабеллиги, %	3/1*100	21,18	22,54	1,36	6,41
Асосий воситалар рентабеллиги, %	4/5*100	14,12	16,16	2,04	14,43
Айланма маблағлар рентабеллиги, %	4/6*100	6,48	4,48	-2,00	-30,91
Мол-мулк рентабеллиги, %	4/7*100	4,21	2,55	-1,66	-39,39
Ўз маблағлари рентабеллиги, %	4/8*100	5,42	4,62	-0,79	-14,65
Қарз маблағлари рентабеллиги, %	4/9*100	18,86	5,69	-13,17	-69,83
Умумий рентабеллик, %	4/(5+6)*100	4,44	3,51	-0,94	-21,07
Ишлаб чиқариш таннари рентабеллиги, %	4/2*100	7,98	8,70	0,72	9,00

“МЕННАТ PIVO” масбулияти чекланган жамияти рентабеллик кўрсаткичлари таҳлилида маҳсулот сотиш рентабеллиги ялпи фойдага нисбатан қолган рентабеллик кўрсаткичлари соф фойдага нисбатан аниқланган. Соф фойдага нисбатан аниқланган рентабеллик кўрсаткичларида меъёр даражаси энг қуйи чегараси инфляция даражаси ҳисобланади. 2017 йил инфляция даражасини 14,4% фоиз қилиб белгиланганлигини¹⁵ ҳисобга оладиган бўлсак, айрим рентабеллик кўрсаткичлари инфляция даражасидан пастлигини кўришимиз мумкин. Маҳсулот сотиш рентабеллиги ўтган йили 21,18 фоизни, ҳисобот йилида эса 22,54 фоизни ташкил этган бўлиб, ўтган йилга нисбатан 6,41 фоизга ўсганлиги ижобий ҳолатдир. Асосий воситалар рентабеллигининг ҳисобот йили кўрсаткичи ва қарз маблағлари

¹⁴ “МЕННАТ PIVO” МЧЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁵ <https://www.stat.uz> сайти маълумоти.

рентабеллигининг ўтган йили кўрсаткичи инфляция даражасидан юқорилигини кўришимиз мумкин. Қолган барча рентабеллик кўрсаткичларнинг инфляция даражасидан пастлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Умумий ҳолда хулоса қилганимизда, “МЕННАТ РИВО” масъулияти чекланган жамияти фаолиятига банк кредитлари жалб қилиш самарасиз ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда пул оқимлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга, яъни пул оқимлари хўжалик юритувчи субъектнинг ҳақиқий имкониятини белгилаб беради. Пул оқимларини таҳлил қилишнинг аҳамияти маблағлардан ўз вақтида ва самарали фойдаланиш имконияти ҳамда мажбуриятларни ўз вақтида бажариш йўллари аниқлашда намоён бўлади¹⁶. Молиявий коэффициентлар орқали пул оқимларини ўзгаришини аниқ ва тезкор баҳолаш мумкин (6-жадвал).

6-жадвал

Пул оқимларини молиявий коэффициентлар таҳлили¹⁷

№	Коэффициент	Ҳисоблаш тартиби	2016 йил	2017 йил	Фарқи (+;-)
1.	Сотишдан пул тушуми рентабеллиги	$K_{сптр} = АФПТ/Т$ АФПТ=Асосий фаолиятдан пул тушуми; Т- тушум	72,17	69,70	-2,47
2.	Қоплаш коэффициенти (қиска муддатли)	$K_{ккж} = АФПТ/ҚМКҚ$ ҚМКҚ=қиска муддатли кредиторлик қарзлари.	7,35	2,60	-4,74
3.	Қоплаш коэффициенти (узок муддатли)	$K_{ккж} = АФПТ/УМКҚ$ УМКҚ=узок муддатли кредиторлик қарзлари.	5,11	2,20	-2,91
4.	Мажбуриятларни қайтариш муддати (кун ҳисобида)	$K_{мкж} = (ҚМКҚ+УМКҚ) / АФПТ * 365$	2681	950	-1731
5.	Пул оқимлари ликвидлилиги	$K_{пол} = АФПТ/ЖМ$ ЖМ-жорий мажбуриятлар	0,98	0,62	-0,36
6.	Соф пул оқими етарлиги коэффициенти	$K_{соф} = ПО_{соф} / (K_{кк} + Д + \Delta ТМЗ)$ ПО _{соф} - соф пул оқими; K _{кк} - қайтарилган кредит ва қарзлар; Д - тўланган дивидендлар; ΔТМЗ – товар моддий захиралар фарқи.	0,00	0,04	0,04
7.	Пул маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	$K_{пмг} = (K_{йбоп} + ПО_{и+}) / ПО_{с-}$ K _{йбоп} = йил бошига пул оқими қолдиғи; ПО _{и+} = Пул оқими ижобий қолдиғи; ПО _{с-} = Пул оқими салбий қолдиғи.	6,92	0,27	-6,65

¹⁶ Пардаев М.К., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил: Ўқув қўлланма. -Т, 2017.458 б.

¹⁷ Зайко А.Г. Коэффициентный анализ денежных потоков предприятия энергетического машиностроения // Интернет-журнал «Науковедение» Том 9, №2 (2017) <http://naukovedenie.ru/PDF/04EVN217.pdf> (доступ свободный). Загл. с экрана. Яз. рус., англ. с. 4-8.

“МЕННАТ PIVO” МЧЖ пул оқимларини таҳлил қилганимизда, сотишдан тушган пул тушуми рентабеллиги 2,47 фоизга камайишини дебиторлик қарзларини 121,3 фоизга ошганлиги билан ифодалаш мумкин. Қисқа муддатли кредиторлик қарзларининг кескин суръатда ўсиши қисқа муддатли қоплаш коэффицентини 4,74 га камайишига олиб келди. Асосий фаолиятдан пул тушуми ҳисобига мажбуриятларни қайтариш 1731 кунга камайган бўлишига қарамасдан 2017 йилда 950 кунда қайтарилиши ҳамда жорий мажбуриятларни қоплаш 0,36 га камайганлиги салбий ҳолат ҳисобланади. Соф пул оқими етарлиги коэффицентининг 0,04 га кўпайиши нисбатан ижобий ҳолатни кўрсатади. Пул маблағлари билан таъминланганлик коэффицентининг 6,65% га камайиши салбий ҳолат ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредитга лаёқатлилигига баҳо беришда хусусий капитални таҳлил қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

З.А.Сагдиллаева ва бошқалар томонидан, хусусий капитал (маблағлар) хўжалик субъектининг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида акс эттиради¹⁸ деган таъриф келтирилган.

А.В.Ваҳобов ва бошқалар томонидан эса, хусусий капиталнинг ҳолатига қараб жами маблағлар таркибидан келиб чиққан ҳолда корхонанинг иқтисодий қарамлиги ёки мустақиллигига баҳо берилади¹⁹ деган таъриф келтирилган.

Бизнинг фикримизча, хусусий капитал ўз маблағлар манбасидан фарқли равишда, хўжалик юритувчи субъект ўзи мустақил бошқара оладиган ва унинг молиявий аҳволига боғлиқ бир қанча кўрсаткичларни ҳисоблаш мумкин бўлган маблағлар манбасидир.

